

Бугун биз маданиятимиз, матбуотимиз тарихида сезиларли из колдирган, лекин минглаб бегунох кишилар каторида Шўролар ҳукумати томонидан катагон килинган халкимизнинг икки истеъдодли фарзанди ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Уларнинг ҳар иккиси бир йилда - 1883 йилда тугилганлар. Бирлари сал олдин, бирлари озгина кейин хорижда «Ёвузлик салтанати» деб ном олган кизил империя панжасида ҳалок бўлганлар. Уларнинг бири тошкентлик шоир ва журналист Тавалло, иккинчиси самарқандлик драматург Хожи Муин эди. Тавалло номини шеър мухлислари, ижодкор зиёлилар яхши биладилар.

10-йиллардаёқ:

Осмондаги тайёралар, бокгил қаёнга боралар,
Эй нафс ила оворалар, нечун кўролмайсиз хануз! —

дея бонг урган, бизни асрий уйқудан уйготган шоирларимиздан бири мана шу Тавалло эди.

У Ватан ва Миллат тушунчаларини муқаддас тутган, ор-номусни баланд ушлаган шоир эди. Унинг шеърлари, бир вақтлар дунё тараққиётининг тамал тошини қўйган, бироқ сўнгги асрларда залолатга ботиб, тутқунликкача келган миллатнинг фожиали аҳволи ҳақидаги чуқур ўйлар, изтироблар билан тўла эди.

Мана унинг XX аср бошидаги Тошкент манзараларига бағишланган бир шеъри:

Тошқанда қони ибратдур тамошо богимиз,
Ва ҳаводислар кўрармиз онда борган чоғимиз.
Бир ажойибхонадур, минг турли инсон сайр этар,
Ҳеч келишмас онда боруб бизни ўлтирмоғимиз.
Қур, чаман булбуллари товус қаби қилса хиром,
Тўплашиб йўл устида гўёки бизлар зогмиз.
Искамейка узра ўлтирса неча роҳат қилиб,
Қафшимиз лойи била биз устида ётмоғимиз.
Ёз фасли окбаданлар ок қийимлар қийсалар,
Пахталикни тангламай, елкага чикгон ёғимиз.
Уч қабат қамзулни устидан яна бир қаттақон
Боглабон маҳкам қилиб саккиз қулоқ белбоғимиз.
Тўғри юрмай туртиниб, босдук аёгин нечани,
Русча «лень», тоторча «ёлков», туркча «шалтоғ»миз.
Ўтсалар ҳар ён шифиллаб туфли қиган ҳар тараф,
Чангитармиз, бизни кўр, судраб ҳамон пайпоғимиз.
Қўтаруб иштонни тиздан юқори, қўқрак очик,
Қўрсатуб қўқракда жун неча семиз курсоғимиз.
Қелса «убрайс» деб «садовник», қувласа богдан бизи,

«Гаспадин»дан бошка сўз йўк, русчага чўлтогмиз.
Гар мабодо кўрсамиз солдатни мундир кийганин,
Бокка кирмасдан кочармиз, ўлгунча кўркогмиз.
Коровул кўрсак, югуруб, кўчаларда хар тараф,
Бил, Тавалло, уйга келганда юраки тогмиз.

Нахотки, шу СохибкIRON Темурни, Беруний, Синодек илм дохийларини, Навоий,
Бехзоддек гўзал санъат ижодкорларини жахонга берган, ўрта асрлардаёк жамият
ахлокининг темир конунларини яратган миллат бўлса?! (Хусайн Воиз Кошифийнинг
«Футувватномаи султоний»-сида кийим кийишнинг 15, дастурхонда ўтиришнинг 37 одоби
бўлганлигини, кўчада юриш, хатто салом беришнинг ўнлаб коидалари эл орасида
жорийлигини ва уларни бирма-бир келтирганини эслайлик.)

Мана бу истехзолар остида канчалар дард бор, алам бор:
Ёврупо ахли, сиз кулок солингиз,
Биз хунарлар ёзуб, тонуштирамиз.
Келтурунг, занбарак, курол неча хил,
Бизни сопкон ила отуштирамиз.
Афтамабил аробангиз кайда?
Хўканд ароба билан чопуштурамиз...
Кани айрипилону гидропулон,
Варварах билан учуштирамиз.
Борми сизда бедона, какликлар?
Пул тикуб ўртага чўкуштирамиз...

Яна бир парчани диккатингизга хавола этамиз. Бу шоирнинг «Ўз виждон-вужудима
хитоб» шеърдан:

Дейдилар, бас кил, Тавалло, шеърлар манзур эмас,
Миллати махв ўлса, парво килмаюрлар, гам емас.
Бунларинг шўрба-палов, норин ебон чой ичса бас,
Сўнгра икки елкасига тепсалар хам индамас.
Чик ичимдан, жоним эй, сан манга хамдамлашмасанг.

Тавалло шеърлари миллатпарварлиги, ватанпарварлиги ва албатта, хакконийлиги учун
севиб ўкилади. Машхур Ойбекнинг «Болалик» асаридаги хотираларини эслайлик:

«Айвонда мук тушиб, Таваллонинг шеърларини ўқишга киришаман. Хажвий шеърларида эски одамларнинг тўй-хашамларини ҳўп танкид қилган. Кўпгина шеърларида ҳаёт лавҳалари, манзаралари яхши бир тасвир этилган. Менга каттик таъсир этади. Тўй базмлар, бойларнинг фиску фужури, халкнинг саводсизлиги, маданиятсизлиги, колоклик тўғрисидаги ҳар хил ўткир иборалар менга гоят таъсир қилади. Айникса, мактаб масаласи, театр ҳақида, ёшларнинг биринчи марта томоша қўйишлари ҳақида ёзганлари гоят таъсирли. Ўқийман, диққат билан берилиб, узок ўқийман... ҳажвлари ўткир, сўзлари юракдан айтилган, самимий... Шеърлар рангдор, жонли, тили ўзига ҳос, равон...»

Уни факат бизда эмас, четда ҳам билганлар. Ҳозир ҳам ўрганаётганлар бор. 1997 йилда биз унинг Тошкентда 1993 йилда чоп этилган «Равнакул ислом» номли шеърлар тўпламини Германияда, машхур Гегель яшаган Бамберг шаҳридаги университет профессорлари қўлида қўрдик. Таржима ва тадқиқ қилишаётган экан. Афсуски, биз узок йиллар унинг ҳаёти тафсилотларидан беҳабар келдик. Истиклол миллатимизнинг эрк ва озодлик учун курашган минглаб фидойилари каторида унинг ҳам кадрили ўрнига қўйди. Биз учун муҳими, ҳаёти-фаолияти саҳифаларини тиклаш имконини берди. Кўп нарса ойдинлашди. Ўзбекистон миллий ҳавфсизлик хизмати архивидаги 32592 рақамли 119 саҳифалик «Тўлаган Ҳўжамёров иши» деб номланган папкадаги материалларга қўра, у 1882 йилда эмас, 1883 йилда Қўкча даҳасида Оби Назир маҳалласида тугилган бўлиб, отаси чорвадор бой Ҳўжамёр Жиянбоев 1909 йилда вафот этган. Тўлаган эски мактабда савод чиқарган, «Бекларбеги» мадрасасида, рус-тузем мактабида ўқиган. 1900—1910 йилларда Пржевалскда Усмонбек Солихжонбоев деган кишининг қўлида приказчилик қилган. 1910—1917 йилларда Тошкентда турли савдо ширкатларида иш юритувчи бўлиб ишлаган.

Бу фактларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, Тўлаган Ҳўжамёров 10-йиллардан ўзининг шеър ва мақолалари билан матбуотда катнаша бошлаган. Машхур шоир Юсуф Сарёмийга шогирд тушган. Ва ундан «Тавалло» таҳаллусини олган.

1916 йилда «Равнакул ислом» шеърлар тўпламини бостирган. 1913—1917 йилларда Авлоний ва Мунавварқориларнинг «Турон» жамиятида катнашган. 20-йилларда «Муштум» журналининг фаолларидан бўлган.

Фактларга қайтамыз. Таваллонинг «меҳнат дафтарчаси»даги қайдга қўра, у 1918—1919 йилларда Тошкент Эски шаҳар ва Янги шаҳар ижроия қўмитасида аъзо бўлиб ишлаган. 1919—1922 йилларда Туркистон ЧК (Фавкулудда комиссия)сининг коллегия аъзоси; 1922—1923 йиллар — Туркистон ЧКси Эски Тошкент ижроия қўмитаси аъзоси, шикоятлар бюроси аъзоси, Фаргона ревтрибунал аъзоси; 1924 йил — Ташсоюз бошқармаси аъзоси. 1925—1927 йиллар — куспромсоюз раиси; 1927 йил 23 октябрдан 1928 йил 11 январгача қамалган. 1928 йил — Курук мева омборида таржимон; 1929 йил — Ширкатлар сугурта уюшмасида инструктор; 1930 йил — аризасига қўра ишдан бўшатишган. 1932 йил — Хомашё ва савдо сектори инспектори; 1933 йил 1 январь — Ўзпромстрой трестида назоратчи-инструктор; 1934 йил апрель — аризасига қўра ишдан бўшатишган. 1935 йил 29 январь — «Красний утилшиқ» артелида инструктор; 1935 йил 29 май — аризасига қўра бўшатишган.

Бир ўринга изох берамыз. 1927 йилда 6500 сўмлик давлат мулкани талон-торож қилишда айбланиб, 5 йилга қамалган. Партиядан ўчирилган.

Анкета маълумотларидан: ташқи қўриниши — ўрта бўй, бўйи 1 метру 56 сантиметр, қўзи — қўй қўз, сочи қора.

1937 йил 14 августда «аксилинкилобий «Турон», «Шўройи ислом», «Иттиходи тараккий», «Миллий иттиход», «Миллий истиклол» ташкилотларининг аъзоси», «миллионернинг ўгли», «шеърларида миллатчилик гояларини илгари сурган»ликда айбланиб, камокка олинади.

Камокка олинганида оилада беш киши бўлган: ўзи — 54 ёшда, хотини Зухра Миёрова — 40 ёшда, ўгли Максуд Миёров — 16 ёшда, кизи Санобар Миёрова — 11 ёшда. 1913 йилда тугилган Рахбар исми кизи 1936 йилда турмушга чиккан бўлиб, Бухорода яшар эди. Агентура материалларидан: «Т. Х. миллий республикани мустамлака деб айтди.

Кўпчилик орасида «Ўзбек халқи ўзаро ихтилофлари, кўркокпиғи туфайли хор-зор, кизилларга туткун бўлди, сабр косаси бир кун тўлади, халқ совет ҳукуматига қарши кўзгалади. Агар мен инкилобни шундай кунларга олиб келишини билсам, бутун вужудим билан унга қарши қурашар эдим» деб айтди».

Тўлаган Хўжамёровнинг тергов ишлари тезлашиб кетди. Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари муовини Леонов имзолаган «Айблов ҳулосаси» 1937 йил 9 сентябрда 25 кунда тайёр бўлди. Унда Таваллонинг 1919 йилда Осипов кўзғолонига қатнашганига «тасдиқлатиб» олинди ва бир қатор «айб»лар билан уқлик ҳукмига ҳавола этилди. Ўша йилнинг 19 сентябрида НКВД қошидаги уқлик мажлисида Тавалло отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Ҳукм айни йил 10 ноябрда ижро этилди.

Адабиётшунослик фанида эса, 1939 йил унинг вафот йили сифатида кўрсатиб келинара эди... Адиб 1969 йил 18 октябрда оқланди.

Иккинчи тақдир эгаси Хожи Муин миллий уйғониш даври Самарқанд адабий муҳитининг самарали ижод этган истеъдодли вакилларида эди. Исмои шарифи Хожи Муин ибн Шукрулло бўлиб, «Меҳрий» адабий таҳаллушидир. 1883 йилнинг 19 мартида Самарқанд шаҳрининг Рухобод маъзеида дунёга келган. 1890 йилда онаси, 1895 йилда отаси вафот этиб, 12 ёшдан бобоси Мирсайд Мухаммадшариф кўлида тарбия топган. Эски мактабда савод чиқарган. Мадрасада Саидахмад Васлийдан араб наҳви(синтаксиси)ни ўрганган. Форс, турк, озар тилларида эркин сўзлаша олиш ва ёзиш салоҳиятига эга бўлган. Рус тилини, Европа маданиятини мустиқил ўзлаштирган. 1901 йилдан ўқитувчилик фаолияти бошланади. Беҳбудий, Ажзий, Шақурийлар таъсирида фикри ўзгариб, 1903 йилда ўз маҳалласида «усули жаҳид» мактаби очган. Ушбу мактаб учун 1908 йилда «Раҳнамои савод» номи билан алифбо нашр эттирган. 1913 йилда Беҳбудийнинг «Самарқанд» газетасида ва «Ойна» журналида ишлай бошлайди. Ижодкор ва ташкилотчи сифатида Беҳбудийнинг рағбат ва ҳурмати кўзга кўринади. Масалан, 1914 йилда Беҳбудий «Ойна» ишлари билан икки ойлик сафарга чиққанида журналнинг масъул муҳаррирлигига Саидризо Ализодини, муваққат муҳаррирликка эса Хожи Муинни тавсия этиб, ҳукуматдан рухсат олган эди.

Хожи Муин 10-йиллардан бошлаб ўзбек ва тожик тилидаги шеър ва мақолалари билан матбуотда кўрина бошлайди. 1914 йилда «Гулдастай адабиёт» шеърӣ тўплами босилиб чиқади. Нусратилла Қудратилла билан биргаликда «Тўй» пьесасини эълон қилади. Сўнг 1916 йилда кетма-кет ўз қаламидан чиққан «Эски мактаб — Янги мактаб», «Мазлума хотин», «Кўкнори» сахна асарлари дунё юзини кўради. Бу асарлар қисқа муддатда ўлқанинг бир қатор шаҳарларида қўйилади. «Мазлума хотин»ни В.Я.Вяткин рус тилига таржима қилади.

1916 йилда Хожи Муин кўплар катори мардикорликка олиниб, ўша йили 2 ноябрда таникли маърифатчи А. Шакурый ва шоир Ф. Рожий билан биргаликда фронт оркасидаги кора ишларга юборилади. Минск губернясининг Новоборисов шаҳри якинидаги ўрмонларда дарахт йикитиш, хандак казиш ишлари билан шугулланади. 1917 йилнинг майида (февраль ўзгаришидан сўнг) она юртига қайтади ва матбуот ишларига шўнгиб кетади. Фитратнинг «Хуррият» газетасида ишлайди. 1918 йилнинг 11 июнида «Меҳнаткашлар товуши» газетасини йўлга қўяди. 1920 йилнинг 1 январидан унга илова сифатида «Таёк» номли кулгили журнал чиқаради. 1922 йилда «Зарафшон» газетасининг таҳририятида ишлайди. 1924 йилнинг 1 июлидан унга кўшимча бўлиб чиққан «Машраб» кулгили журналига асос солади. 1926 йилда «Овози тожик» газетасига адабий ходим ва мусаххих бўлиб ўтади. Унинг иловаси «Мулла Мушфикий» хажвий журналида масъул котиб вазифасини бажаради. Шу орада адибнинг мусаххихлик фаолияти билан боглик бир нохуш воқеа юз берадию, унинг такцири алгов-далгов бўлиб кетади. Воқеа шундай эди: «Овози тожик» газетаси 1929 йил 24 апрель сонида 1-май байрамолди чакирикларини русчадан тожикчага ўгириб бераётганида «долой социал-империалистов, да здравствует коммунистический интернационал!» матни таржимасида «да здравствует («зинда бод»)» эътиборсизлик туфайли тушиб қолади-ю, «...несть бод коммуниста байнал-милал!» («йўқолсин коммунистик интернационал») бўлиб чиқиб кетади.

Мазкур техник хатога сиёсий тус берилади. Мусаххих Хожи Муин ва таржимон Саидризо Ализода аксилшўровийликда айбланадилар. Хожи Муин Сибирнинг Канск округ Пугачан районида сургун қилинади. Адиб ўз ватанига 1932 йилда қайтиб келди. Яна газетада ишлади. Жумладан, 1934—1937 йилларда «Кизил юлдуз» номли харбий газетада хизмат қилади. Унинг корректорлиги яна бахтсизлик олиб келади. «Отишга ҳукм қилинган халқ душмани Муралов» деганнинг исми-шарифи шу йилларнинг доврқли давлат арбоби Молотов билан алмашиб кетади. Хожи Муинни бу ишни онгли қилганликда айблайдилар. «Аксилшўровий тарғибот билан шугуллангани», «жосуслик, бузгунчилик фаолияти», «инглиз разведкасига хизмат қилганлиги» учун 10 йил га ҳукм қилинади ва 1942 йилнинг 21 июлида Перм областининг Соликамск шаҳрида вафот этади. Унинг покиза номи 1963 йилда оқланди.

Зариф Баширнинг «26 йиллик хизмат қахрамони» («Зарафшон» газетаси 1927 йил 19 май) мақоласида Хожи Муиннинг 1917 йил га қадар ўндан ортиқ газета-журналда фаол қатнашгани, 10 та китоб нашр эттиргани қайд этилган. Муаллифнинг ўзи 1937 йилда ёзган «Ижодий таржимаи ҳолим» рисоласида 1907—1937 йиллар давомида 23 хил газета ва журналда 200 мақола, 400 хабар, 1500 га яқин ўзбекча ва тожикча шеърлар бостирганини хабар беради. Ва асарларининг тўла рўйхатини келтиради. Маълум бўлишича, унинг Бехбудий такдири ҳақида ёзган «Маориф қурбонлари» пьесаси ҳамда «Жувонбозлик қурбонлари», «Бой ила хизматкор», «Қози ила муаллим» каби сахна асарлари, икки шеърлар тўплами, «Алфози мутародифа» (арабча-форсча-туркча-ўзбекча лугат), «Тарожими аҳвол», «Алифболар тарихчаси» каби қанчадан-қанча китоблари, тўплаган ўзбекча ва тожикча мақолалари, «Хулосаи қавойиди форсий» каби форсча, Фитратнинг «Бухоро саёҳати» асарининг ўзбекча таржималари босилмай қолиб қетган. Булар сирасига муаллифнинг тугалланмай қолган «Бехбудийнинг таржимаи ҳолига оид материаллар», «Тааддудоти завжот» (қўп хотин олиш), «Хотираларим» каби асарларини ҳам қиритсак, унинг гоят сермахсул ижодкор

эканлиги маълум бўлади. Юкоридаги рўйхатнинг ўзиёк Хожи Муиннинг журналист, шоир, драматург, таржимон сифатида адабиётимиз ва маданиятимиз тарихида салмокли мавкега эга эканини кўрсатиб турибди. Гап асарларининг сонидагина эмас. Бунга унинг Бехбудий, Мунавваркори, Фитрат, Кодирӣ, Чўлпон билан якин алокалари далил. Факат буларни ўрганиш ва баҳолаш керак.

Хулоса

1. Бугун тарихшуносликда, шу жумладан, адабиётимиз, маданиятимиз тарихини ўрганишда мутлако янги шарт-шароит майдонга келди. Жумладан, эрк ва мустакиллик йўлида шахид кетган шўро тузуми курбонларининг фожиали такдирларини бутун тафсилотлари билан ўрганиш имкониятига эга бўлиб турибмиз. Афсуски, бу имкониятдан егарли фойдаланаётганимиз йўк. Холбуки, бу истиклолнинг ахамиятини англашда, бугунги куннинг кадрига етишда янги авлод тарбиясининг муҳим воситаси бўла олади.
2. 20-йиллардаги кураш икки ўзаро карама-карши мафкура курашидир. Бири миллатнинг ўз ерида эркин, мустакил яшашга ҳақли эканлиги билан боғлиқ фикр-карашларни ифода қилган, иккинчиси эса сохта, Шарқ халқлари турмуш тарзига зид қизил шиорларга ўраб берилган, аслида великорус шовинизми манфаатларига хизмат қилган мафкура эди. Дунёда миллат деган тушунча бор экан, унинг манфаати деган гап ҳам, албатта, бўлади. Мамлакатлар ўз тараққиёти ва геополитик имкониятларига кўра бир хил даражада бўла олмас эканлар, мафкуравий курашга ҳам интиҳо йўқдир. Шу маънода 20-йиллар кураш тарихи бизга ҳамиша ибрат ва аҷчик сабоқ бўлиб хизмат қилади.

Бегали Косимов, “Ўйгонган миллат маърифати” китобидан